Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 174 (7915). ● 17 сентябрь, 1982 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

ПАХТАМИЗ 1.000.000 ТОННАДАН ОШДИ

● Пахталар қийғос очилган сарғ «зангори кема»ларнинг иш фронти кенгайиб, унумдорлиги ортмоқда. 15 сентябрда областимиз далаларида 2017 та машина ишлади. Ҳар бир машина билан терилган пахта ўртача 5,5 тоннаданга тўғри келди.

● Пискентлик механик-ҳайдовчилар энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу районда «пўлат этак»лардан тўкилган «оқ олтин» 6.1 тоннаданга етди. Бўкалик азаматлар ҳам ғайрат отига тобора қамчи босмоқдалар. Районда 400 та машина тўла қувват билан ишламоқда. Ҳар бир машина билан ўртача 6 тоннадан «оқ олтин» терилди.

● Илғор механик-ҳайдовчилардан ўрнак олиб, машина теримини янада авж олдирайлик!

440.000 ТОННАЛИК ХИРМОН УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 16 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—районлар, иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун—мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — машинада, шу жумладан бир кунда, бешинчи устун — мавсум бошидан буён

Бўка	5,20	22,62	5,53	22,36
Оққўрғон	4,22	16,73	4,43	12,85
Ўрта Чирчиқ	3,50	15,60	3,70	15,72
Янгийўл	3,01	14,67	1,80	5,99
Бекобод	3,01	12,49	1,52	4,33
Коммунистик	3,50	12,26	3,30	10,58
Пискент	2,80	10,80	3,13	10,02
Чиноз	2,50	8,38	1,26	3,66
Ғалаба	3,01	6,87	2,72	5,33
Область бўйича:	3,50	13,68	3,24	10,79

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВга ЯХДРнинг ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Мукофот топшириш пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС).

Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг раиси, Бош министри А. Н. Муҳаммад 15 сентябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Яман Халқ Демократик Республикасининг олий мукофоти — «14 Октябрь революцияси» орденини топширди.

Мукофот топшириш пайтида А. А. Громико, К. У. Черненко, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари И. В. Архипов, Г. М. Корниенко, Н. В. Огарков, Л. В. Смирнов, Г. Э. Цуканов, А. П. Шитиков, М. А. Яснов, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат М. П. Георгадзе, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси С. А. Лосев, бошқа расмий кишилар шу ерда эдилар.

Жанубий Яман томонидан А. Н. Муҳаммаднинг сафарида унга ҳамроҳ бўлиб келган партия ва давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ А. Н. МУҲАММАД нутқи

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Сизга Яман Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиумининг топшириғига биноан мамлакатимизнинг олий мукофоти — «14 Октябрь революцияси» орденини топшириш мен учун катта бахт ва юксак шарафдир. Сиз Совет — Яман дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг янги турмуш қуриш ва революция мақсадларини амалга ошириш йўлидаги курашини, шунингдек араб халқларининг империализмга ва сионизмга қарши курашини қўллаб-қувватлаш ишига шахсан қўшган ҳиссангизни эътироф қилиш рамзи сифатида шу орден билан мукофотландингиз. Бу мукофот — Сизнинг Совет Иттифоқида ривожланган социализм асосларини мустаҳкамлашга, илмий социализм ва пролетар интернационализми ғояларининг софлигини ҳимоя қилишга, Халқаро Коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга, миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган буюк фаолиятингизнинг эътирофидир. Бу мукофот бутун дунёда тараққиёт, социализм ва тинчлик йўлидаги курашни кучайтириш мақсадини кўзловчи кўп қиррали, тинимсиз фаолиятингизнинг ҳам эътирофидир.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Яман халқи, барча араб халқлари Сизнинг атоқли интернационалист курашчи эканлигингизни яхши биладилар. Барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучлар қатори биз ҳам Сизга ғоят зўр ҳурмат туйғулари билан қараймиз. Сизнинг номингиз Совет Иттифоқининг ўз ҳаққоний ҳуқуқлари учун, ўз озодлиги ва мустақил ривожланиши учун курашаётган халқлар одилона ишига муттасил бериб келаётган ёрдам ва мадади билан чамбарчас боғланган.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, Сизнинг ҳаёт йўлингиз — планетамизни урушлардан, азоб-уқубатлар ва жабр-зулмдан халос этиш учун, Ер юзида озодлик, социализм, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик байроқлари мағрур ҳилпираб туриши йўлида курашаётган барча кишилар учун жанговар, илҳомбахш намунадир.

Азиз Леонид Ильич Брежнев, Сизга «14 Октябрь революцияси» орденини топширар эканмиз, шу тариқа барча совет коммунистларига, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига ҳурмат бажо этамиз, бизнинг Яман — Совет дўстлигига содиқлигимизга ишонтирамиз. Совет Иттифоқининг ўтмишда мустамлакачиликка ва реакцияга қарши курашган, ҳозирги кунда эса социалистик истиқболни очадиган милли-демократик революцияни тугаллаш йўлида янги жамият қуриш мақсадида курашаётган халқимизга бераётган чексиз мадади ва беғараз интернационал ёрдами бу дўстликка руҳ бағишлаб турибди.

Леонид Ильич, Сизнинг номингиз ҳамиша қалбимизнинг тўрида. Бу юксак орден эса бутун Яман Социалистик партияси, мамлакатимизнинг барча халқлари халқимизнинг самимий дўсти ва жаҳон революцион ҳаракатининг улуғ интренационалист курашчиси бўлган Сизга ҳурмат ва эҳтиромни тимсоли бўлиб қолади.

* * *

Сўнгра ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқ Али Носир Муҳаммад!

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Ўртоқ Муҳаммад, юксак мукофот учун ва шаънимга айтилган яхши сўзлар учун демократик Яман раҳбарларига, Сизга ташаккур айтаман. Мен бу мукофотни ва яхши сўзларни дўст демократик яман халқини қўллаб-қувватлаш учун ҳамма ишни қилаётган мамлакатимиз, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси хизматларининг эътирофи деб биламан.

Демократик Яманда «14 Октябрь революцияси» ордени таъсис этилганлиги жуда шонли воқеа деб ўйлайман. Бу қуй яман халқининг онгида унинг тарихидаги бурилиш палласи — ўтмишдаги қолоқлик ва социал зулмдан янги жамият қуриш сари бурилиш нуқтаси бўлиб яшамоқда.

Улуғ Октябрь ғоялари ва зафарларининг Ленин қолдирган эстафетасини давом эттирувчи биз, совет коммунистлари учун халқларнинг дунёни революцион ўзгартириш йўлидаги кураши сўнмас иши рамзи бўлиб хизмат қиладиган орденни қабул қилиб олиш айниқса қимматлидир.

Олтмиш йил муқаддам В. И. Ленин Шарқ халқларининг зўр революцион имкониятлари ва куч-ғайратларини кўра билган эди. У шарқ халқлари мустақилликка эришадиган, «янги турмушнинг мустақил иштирокчилари, ижодкорлари» бўлиб отланадиган вақт яқинлашиб қолганини олдиндан айтган эди.

Бу башорат рўёбга чиқди. Ҳозир ўз мустақиллиги ва социал тараққиёт учун, тинчлик учун, уруш хавфига қарши курашаётган халқлар Совет Иттифоқи билан қўлни қўлга бериб бормоқдалар. Совет Иттифоқи билан демократик Яман ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан мустаҳкамланган муносабатлар, интернационализм ва қардошларча бирдамлик муносабатлари бунинг исботидир.

Юксак мукофот учун сизга яна бир бор ташаккур.

* * *

А. Н. Муҳаммад ва Л. И. Брежнев ўртоқларнинг нутқлари эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Ҳозир бўлган кишилар Леонид Ильич Брежневни ЯХДРнинг олий мукофоти билан самимий табриклашдилар ҳамда унга Совет — Яман дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида, бутун инсониятнинг ижтимоий тараққиёти, тинчлиги ва ҳавфсизлиги манфаатлари йўлида унга бундан буён ҳам самаралий ишлар қилишини тиладилар.

(ТАСС).

ХАЛҚ ХОТИРАСИДА МАНГУ ҚОЛАДИ!

Азиз новороссияликлар!

Шаҳрингиз фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 39 йиллиги билан сизларни самимий, чин қалбдан табриклайман. Новороссийск ўз тарихида неча марталаб шиддатли ва машаққатли жанглар гирдобига тушиб қолишига тўғри келди. Унинг буюк шавкатини, катта революцион хизматларини бутун халқ эътироф этди.

Йиллар ўтади, аммо Новороссийск тупроғидаги жангларнинг қаҳрамонлари кишиларнинг миннатдор хотирасида яшамоқда ва мангу яшайберади. Сизлар бугун очаётган ёдгорлик комплекси ана шу қаҳрамонларга бағишлангандир. Бу комплекс авлодларнинг — коммунизм улуғ иши учун курашчиларнинг чамбарчас алоқасини ифода этади, революциянинг алангали кунларида, Улуғ Ватан урушининг қуролли йилларида халқимизнинг озодлик, мустақил ва бахтиёр ҳаётга бўлган ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кишиларни шарафлайди.

Ўтган урушда иштирок этган Кичик ерлик мен учун бу ёдгорлик айниқса азиздир. Мен уруш даврндаги Новороссийскни биламан, тилка-пора бўлган, ёнғин ичида қолган сизларнинг шаҳрингизни душман тиз чўктира олмади. Шаҳар жанг қилди. Шаҳар аҳолиси жангчилар билан ёнма-ён, елкама-елка туриб, улар билан бирга ғалабага замин ҳозирлади. Шаҳар аҳолиси душманнинг орқа томнида жасурлик билан ҳаракат қилган партизан отрядларига ҳам қўшилиб кетди.

Мана қарийб қирқ йилдирки, бутун мамлакатимиз ўзра бўлганидек Новороссийск узра ҳам осмон тинч бўлиб турибди. Совет кишилари бундан буён ҳам тинч меҳнат билан осойишта ва дадил шуғуллана олишлари учун партия, совет давлати ҳамма ишни қилмоқдалар.

Сизларга, қаҳрамон шаҳар аҳолисига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, коммунистик қурилиш улуғвор планларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 15 сентябрда Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг раиси, Бош министр А. Н. Муҳаммад шарафига Катта Кремль саройида зиёфат бердилар.

А. Н. Муҳаммадга ҳамроҳ бўлиб келган Жанубий Яманнинг партия ва давлат арбоблари зиёфатда у билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, К. У. Черненко, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқ Али Носир Муҳаммад!

Ўртоқлар!

Аввало Совет Иттифоқида Демократик Яманнинг дўст халқига, унинг раҳбарларига, Сиз азиз ўртоқ Муҳаммадга эзгу тўғулар билан қаралаётганини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги, КПСС билан Яман Социалистик партияси ўртасидаги муносабатлар — самимий дўстлик ва қардошларча бирдамлик, кенг ҳамкорлик ва самарали баҳамжиҳат ҳаракат муносабатлари эканини мамнуният билан айта оламиз, деб ўйлайман. Бу галги музокаралар ҳам икки томонлама алоқалар масаласида, шунингдек ташқи сиёсатнинг туб проблемалари хусусида фикрлар ва нуқтаи-назарларнинг бир-бирига мослигини ёки яқинлигини яна яққол тасдиқлади.

Табиийки, Яқин Шарқдаги ҳаддан ташқари хатарли вазият музокараларимизнинг марказида бўлди. Исроиллик агрессор ўзининг ваҳшиёна қиёфасини бутун дунё олдида узил-кесил кўрсатди. Агрессор ҳали ҳеч қачон бу қадар сурбетлик билан ҳаракат қилиб, мустаҳкам мамлакатнинг бутунлигини бу қадар поймол этмаган, фаластинликлар билан ливанликларни бу қадар сурункасига оммавий равишда қирғин қилмаган, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган нормаларини, БМТ хавфсизлик кенгашининг қарорларини бу қадар андишасизларча бузмаган эди.

Қонли уруш давомида АҚШнинг Яқин Шарқдаги сиёсати моҳияти ҳам жуда очиқ—равшан кўриниб қолди. У исроиллик агрессорни тўхтатиб қолишга интилиш бир ёқда турсин, ҳатто аслида Ливанни Исроилнинг оёғи остига ташлаб қўйди. Натижада исроилликлар Ливаннинг анчагина қисмини окку-пация қилиб олиб, ўн минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритиб, юз минглаб тинч аҳолини бошпанасиз қолдирдилар.

Турли-туман «жазо чоралари» ва «жазолашлар»га муккасидан кетган Вашингтон мана шуларнинг ҳаммаси учун ,агрессорнинг қилмишлари пайини қирқиш соҳасида арзигулик қадам қўйиш бир ёқда турсин, ҳатто уни қоралаш учун бирорта сўз топа олмади.

Ливанда бошланган фожианинг ҳали поёни кўринаётгани йўқ. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ дадил шундай хулоса чиқариш мумкин: фаластинликлар, ливанликлар, сурияликларнинг мардлиги ва матонати туфайли Исроил ва унинг америкалик ҳомийлари Байрут остоналарида, Ливан тоғларида катта сиёсий ва маънавий маглубиятга учрадилар.

Улар Фаластин масаласини на ўт билан, на қилич билан йўқ қилиб ташлай олмадилар, бу масалани кун тартибидан олиб ташлай олмадилар. Аксинча, душманнинг кўп марталаб устун бўлган кучларига қарши курашда фаластинликларнинг қаҳрамонлиги фаластин озодлик ташкилотининг обрў-эътиборини, унинг сиёсий салмоғини беқиёс оширди.

(Давоми 2-бетда).

КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР



Музокара пайти.

М. Харламинев фотоси.

15 сентябрь куни Кремлда Совет—Жанубий Яман музокаралари бошланди.

Совет томонидан музокараларни: КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, Қуролли Кучлар Бош штабининг бошлиғи — СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков.

Жанубий Яман томонидан: Яман Социалистик партияси (ЯСП) Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, ЯХДР Бош министри Али Носир Муҳаммад, ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, ЯСП Марказий Комитети секретари А. Г. А. Қодир, ЯСП Марказий Комитетининг секретари С. С. Муҳаммад, ЯСП Марказий Комитетининг аъзоси, Ташқи ишлар министри А. А. Ад-Дали, ЯСП Марказий Комитетининг аъзоси, Мудофаа министри С. М. Қосим, ЯСП Марказий Комитетининг аъзоси, қурилиш министри Х. А. Б. Ал-Аттас олиб бормоқдалар.

Самимий, ўртоқлик муҳитида ўтаётган музокараларда ҳозирги халқаро вазиятнинг актуал проблемалари ва даставвал Яқин Шарқдаги аҳвол кўриб чиқилди.

Энг агрессив империалистик доиралар, аввало, АҚШ ва унинг гумаштаси, шу жумладан Исроилнинг ҳукмрон доиралари ўтказаётган авантюристик сиёсат, уларнинг ўз ҳукмини бошқа мамлакат ва халқларга тиқиштириш йўлидаги уринишлари дунёдаги, шу жумладан яқин шарқдаги вазият жиддий ёмонлашганлигининг асосий сабаби эканлиги қайд этиб ўтилди. Шу муносабат билан барча тинчликсевар кучларнинг ядро уруши олдини олишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган актив ҳаракатларини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

А. Н. Муҳаммад мураккаб халқаро вазиятда КПСС билан Совет ҳукуматининг изчил фаолиятига, кескинлик юмшатилишини сақлаб қолиш учун, ҳозирги замон халқаро муносабатларда ҳаётий муҳим проблемаларни конструктив равишда ҳал этиш йўлларини қидириб топиш учун улар сабот билан олиб бораётган курашга юксак баҳо берди. Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббуслари, деб таъкидлади у, халқларнинг тинчликка бўлган ҳоҳиширодасини акс эттиради ҳамда Совет Иттифоқи тинчликсевар сиёсатининг реализми ва олисни кўра билишлигини ифодалайди.

Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида чуқур фикрлашиб олиш чоғида Исроилнинг Ливанга бостириб кириши аслида Тель-Авив билан Вашингтоннинг биргаликдаги ҳуружи бўлди деган қатъий ишонч якдиллик билан изҳор этилди. Аммо фаластинликларнинг, Ливан миллий-ватанпарварлик кучларининг, Сурияннинг саботматонати ва фидокорлиги туфайли агрессор ва унинг ҳомийсининг Фаластин қаршилик ҳаракати билан унинг раҳбарларини йўқ қилиб ташлашдан, умуман Фаластин проблемасига ўт ва қурол билан барҳам беришдан, арабларни зўрлик билан Кемп-Дэвид битимига қўшишдан иборат режаси барбод этилди. Воқеаларнинг бориши шуни яққол тасдиқладики, Исроилнинг Ливандаги агрессияси унинг учун сиёсий ва маънавий жиҳатдан катта мағлубиятга айланмоқда. Фаластин халқининг ишига ҳали ҳеч қачон дунёда шу қадар кенг кўламда ҳайрихоҳлик билдирилмаган, ҳали ҳеч қачон унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи шу қадар катта мадад олмаган эди.

Совет Иттифоқи билан демократик Яман вужудга келаётган вазиятда араб мамлакатлари, Яқин Шарқда тинчликни қадрлаётган барча кишилар Исроилнинг жамики қўшинлари Ливандан сўзсиз ва дарҳол олиб чиқиб кетилишига эришиш учун ҳаракат қилишлари керак, деб ҳисоблайдилар. Музокараларнинг қатнашчилари Ливаннинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини қатъий равишда қўллаб-қувватлаб фикр билдирдилар.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлади Л. И. Брежнев, Фаластин Қаршилик ҳаракатига, Ливан ватанпарварларига, Сурияга ва агрессор олдида бош эгмаётган, шу регионда можаронинг адолатли бартараф этилишига ҳамда тинчликка эришиш учун курашаётган барча кишиларга амалий мадад бериш учун бундан буён ҳам ўз имкониятларидан фойдаланиш ниятидадир.

А. Н. Муҳаммад Совет Иттифоқи араб халқларининг адолатли ишини қатъий изчил қўллаб-қувватлаб, ёрдам бераётганлиги учун астойдил миннатдорчилик изҳор қилди. ЯХДР раҳбари муайян доираларнинг СССР сиёсатига доғ тушириш йўлидаги уринишларини қатъиян қоралади. Ана шу доиралар АҚШнинг арабларга қарши режалари йўлидаги қудратли ғовни, яъни Совет Иттифоқининг шу райондаги таъсири ва обрў-эътиборини йўққа чиқаришни истар эдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Совет — Жанубий Яман музокаралари давом эттирилди.

(Давоми 2-бетда).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши 1-бетда)

Ҳозир Вашингтон қонли жиноятни унутишга шошилмоқда. Яқин Шарқ проблемасини ҳал этиш йўлини топишга ўринаётгандек бўлиб кўринмоқда. Аммо АҚШнинг таклифлари таг замини билан яроқсиз таклифлардир. Унинг таклифлари фаластинликларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини инкор этади ҳамда масаланинг бутун «ҳал этилиши»ни фаластинликлар учун Исроилнинг тўла назорати остида «маъмурий мухторият» бериш тўғрисидаги ваъдалардангина иборат қилиб кўяди. Бу таклифларда фаластинлик араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили — Фаластин озодлик ташкилоти тўғрисида бирон оғиз сўз айтилмаган.

Дарвоқе, Вашингтон маъмурияти фаластинликларнинг ўз давлатини вужудга келтиришига қарши чиқиб, шу тариқа Исроил мавжудлигининг ҳуқуқий асосини ҳам шубҳа остига қўяди. Чунки БМТнинг 1947 йилда қабул қилган қарори мандат остидаги собиқ Фаластин территориясида иккита суверен давлат — араб ва яҳудий давлатини барпо этишни кўзда тутган эди. Бу қарорни ҳеч ким бекор қилган эмас ва бекор қилишга ҳаққи ҳам йўқ. Бу қарорнинг фақат бир қисми — яҳудий давлатини барпо этиш қисмигина бажарилиши ҳамда арабларнинг Фаластин давлатини барпо этиши қисми узлуксиз инкор қилинабериши мумкин деб ҳисоблаш янглиш иш бўлур эди.

Башарти Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этишга олиб борадиган бирон-бир ҳаракат тўғрисида жиддийроқ гапириладиган бўлса, ҳозир биринчи навбатда агрессорни Ливандан кетишга, қароқчилик ҳаракатларидан воз кечишга, Сурияга нисбатан игвогарликларни тўхтатишга мажбур этиш лозим. Биз Исроилга эс-ҳушни йиғиб олишни, ўт билан ўйнашишни бас қилишни маслаҳат берган бўлур эдик. Жаҳон ҳамжамияти сабр-тоқатининг ҳам чеки бор

Яқин Шарқдаги одилона ва мустаҳкам тинчлик халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларига ҳам, шунингдек БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясининг мазкур проблемага тааллуқли конкрет қарорларига ҳам мос бўлиб тушадиган қуйидаги принципларга асосланиши мумкин ва лозимлигига бизнинг ишончимиз комил.

Биринчидан, агрессия йўли билан ўзга ерларни босиб олишга йўл қўйилмаслиги принципига қаттиқ риоя этилиши керак. Бунинг маъноси шуки, Исроил 1967 йилдан бери оккупация қилиб олган ҳамма территориялар — Иўлан тепаликлари, Иордан дарёсининг Ғарбий соҳили ва Ғазо сектори, Ливан ерлари арабларга қайтариб берилиши лозим. Исроил билан унинг араб қўшнилари ўртасидаги чегаралар бузилмас чегаралар деб эълон қилиниши керак

Иккинчидан, фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, Исроил оккупациясидан ҳалос қилиниши лозим бўлган Фаластин ерларида — Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида унинг ўз мустақил давлатини вужудга келтиришдан иборат дахлсиз ҳуқуқи амалда таъминланиши лозим. Фаластинлик қочоқларга БМТ қарорларида кўзда тутилганидек ўз она юртига қайтиб келиш ёки улар учун қолдириб кетган мол-мулк учун тегишли товон олиш имконияти берилиши керак.

Учинчидан, Қуддуснинг 1967 йилда Исроил оккупация қилиб олган ва мусулмонларнинг энг муқаддас обидаларидан бири жойлашган шарқий қисми арабларга қайтариб берилиши ва у Фаластин давлатининг таркибий қисми бўлиб қолиши керак. Бутун Қуддусда диндорларнинг уч динга мансуб табаррук жойларига бемалол бориш эркинлиги таъминланиши лозим.

Тўртинчидан, райондаги барча давлатларнинг тўла ўзаро ҳурмат шароитида хавфхатарсиз ва мустақил яшаш ҳамда ривожланиш ҳуқуқи таъминланиши керак, чунки ўзгаларнинг хавфсизлигини поймол этиб, бошқа халқларнинг хавфсизлигини таъминлаб бўлмайди.

Бешинчидан, араб давлатлари билан Исроил ўртасидаги урушқ ҳолати тўхтатилиши ва тинчлик ўрнатилиши керак. Бунинг маъноси шуки, можародаги ҳамма томонлар, шу жумладан Исроил билан Фаластин давлати бир-бирининг суверенитети, мустақиллиги ва территориал бутунлигини ўзаро ҳурмат қилиш, рўй берадиган низоларни тинч воситалар орқали, музокаралар йўли билан ҳал этиш мажбуриятини олишлари лозим.

Олтинчидан можароли бартараф этишнинг халқаро гарантиялари ишлаб чиқилиб, қабул этилиши лозим — гарантлар ролини, айтайлик, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларн ёки умуман Хавфсизлик Кенгаши ўз зиммасига олиши мумкин бўлур эди.

Можароли мана шундай ҳар томонлама, ҳақиқатан ҳам одилона ва чинакамига мустаҳкам равишда бартараф этиш тадбири барча манфаатдор томонлар иштирокида коллектив куч-ғайрат сарфлаш йўли билан ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши мумкин. улар орасида, албатта. фаластинлик араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили — Фаластин Озодлик ташкилоти ҳам бўлиши керак.

Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция чақириш тўғрисидаги таклифимиз масалани бартараф этишнинг айни мана шу йўлини назарда тутади, бу таклиф, жумладан, демократик Яманнинг ҳам қанча миқёсда қўллаб-қувватлашига сазовор бўлди.

Ҳозирги вазиятда Исроил боскинчиларига қарши курашда араб давлатларининг бирлиги ҳар қачонгидан ҳам муҳимлигини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Арабларга бундай бирлик ҳаво каби, сув каби зарур. Бу бирлик нақадар мустаҳкам ва нақадар пухта бўлса империализмнинг Яқин Шарқдаги кирдикорлари шу қадар тезроқ барбод этилади

Яқинда араб давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши тугади. Кенгаш ишининг якунлари юзасидан эълон қилинган баёнотда Исроилнинг Ливандаги агрессияси ва у араб ерларини ҳамон оккупация қилиб турганлиги хусусидаги ҳаққоний ташвиш ва ғазаб туйғулари ифодаланди. Фаластин проблемасини ҳал этишнинг ва умуман Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишнинг кенгашда қабул этилган принципларини биз ижобий баҳолаймиз. Бу принциплар Совет Иттифоқи кўп йиллардан бери курашиб келаётган ва мен юқорида лўнда қилиб яна бир бор баён этиб берган принципларидан фарқ қилмайди.

Сўзимнинг охирида дўстларимизга демократик Яманни социализмни қўллаш йўлидан ривожлантиришда, тинчлик ва тараққиёт учун курашда янги муваффақиятлар тилашга рухсат этгайсиз.

Ўртоқ Али Носир Муҳаммад ва азиз меҳмонларимиз соғлиғи учун!

Партияларимиз ва мамлакатларимизнинг дўстлиги учун!

Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчлик учун!,— деб қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

А. Н. Муҳаммад жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ А. Н. МУҲАММАД нутқи

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Ўртоқлар!

Биз яна Яман Социалистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси империализмга қарши, планетамизда социализм ва тинчлик учун биргалашиб олиб бораётган ишларимизни мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўли 1967 йилда босиб олинган араб территорияларидан, шунингдек яқинда босиб олинган Ливан территориясидан Исроил қўшинларини батамом ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш орқали ҳамда фаластин халқининг ўз миллий давлатида яшаш ҳуқуқини тан олишдан иборат, деб ҳисоблайди. Ер курраси-нинг шу муҳим районда бошқача йўл билан тинчликка эришиб бўлмайди.

Азиз ўртоқ Брежнев! Шу муносабат билан араб халқларининг бошига тушган оғир синов дамларида ҳамиша араб халқлари томонида туриб келган Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг изчил принципиал позициясидан миннатдорчилигимизни изҳор этишга ва бу позицияга юксак баҳо беришга рухсат этгайсиз. Исроилнинг Ливанга қарши қилган босқинчилик агрессияси шу синов дамларининг сўнггиси эди. Бу агрессия замирида АҚШ турарди. Ливандаги бутун урушнинг бориши Қўшма Штатлар Тель-Авивлик ҳукмдорларнинг агрессив ва экспансиячилик сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлигини, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларини тамомила назар-писанд этмаётганлигини фош қилиб ташлади. Биз шу қарорлар мумкин бўлган ҳамма йўл ва воситалар билан бажарилишига эришишга, агрессия қораланиши, Исроил қўшинлари эса дарҳол ва ҳеч қандай шартсиз Ливандан олиб чиқиб кетилишига даъват этамиз.

Империализм кучлари ва малайларининг кучайиб бораётган агрессив ҳаракатлари жаҳон революцион ҳаракати ва курашаётган халқлар турли отрядларининг мустаҳкамланиб бораётган зарбаларига ва қаҳрамонона қаршиликларига дуч келаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Империалистларнинг агрессив сиёсатини жиловлаш ва улар дунёни вайронгарчилик уруши фалокатига тортишларига йўл қўймаслик учун миллий озодлик ҳаракати билан Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги стратегик иттифоқини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб, чуқурлаштириб бораверишга ва диктаторлик режимларига қарши халқ ғалаёнларини бостиришга қаратилган фитналари ва режаларига қарши қатъий курашни давом эттирмоқда.

Бир қанча социалистик мамлакатларга қилган визитларимиз, улар билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартномаларимиз, шунингдек мамлакатимизга келиб кетган қўпгина социалистик давлатларнинг раҳбарлари билан ўтказган учрашувларимиз орамизда жанговар иттифоқни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро империализмга қарши бутун дунёда тинчлик учун биргалашиб курашиш йўлидаги куч-ғайратларни ишга солишга ва ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Биз ўз ҳоҳишимиз билан танлаб олган, қонимиз ва пешона теримиз билан ҳимоя этган, кўпдан-кўп қурбонлар бериб очган йўлимиздан бундан буён ҳам бораверишга маҳкам бел боғлаганмиз.

Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва жанговар иттифоқ йўлидан, боя айтганимдек, империализм ва реакциянинг фитналарига қарши курашда Яман революцияси жаҳон ва араблар миллий озодлик ҳаракати куч-қувват олиб турган йўлдан бундан буён ҳам бораверамиз.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, партияларимиз, халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари шарафига хитоб сўзларини айтиб, бу муносабатлар илмий социализм ва пролетар интернационализмининг ғоялари байроғи остида бизни бирлаштириб турган принцип ва мақсадлар муштараклиги асосида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсиз.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг соғлиғи учун!

Яман-совет ва араб-совет дўстлиги учун!

* * *

Л. И. Брежнев ва А. Н. Муҳаммад ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

(Боши 1-бетда)

Музокараларнинг қатнашчилари жаҳондаги умумий сиёсий аҳволга, Яқин Шарқдаги ҳозирги вазиятга, шу жумладан АҚШ маъмуриятининг янги найранглари хусусида бир хил баҳо берилганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Жумладан, Вашингтон Яқин Шарққа доир шовқин-сурон билан мақтаётган ва «ҳолисона» таклифлар деб кўрсатилаётган «янги» таклифлар амалда арабларга қарши ошкора характерда бўлиб, асл моҳияти билан регионда Америка — Исроил ҳукмронлигини таъминлашга қаратилганлиги хусусида икки томон комил ишонч билдирди.

Л. И. Брежнев Вашингтон рағбатлантираётган Исроил агрессиясига қарши барча арабларнинг бирлашуви катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Араб мамлакатлари агрессорга муносиб зарба бера олиш ва олмасликлари дастлаб шу мамлакатларнинг ўзига, уларнинг қатъияти ва жипслигига боғлиқдир.

А. Н. Муҳаммад араб мамлакатларининг Фасда олий даражада ўтказилган кенгаши якунлари билан, шу жумладан, арабларнинг мана шу кенгашда маъқулланган ва Яқин Шарқ можаросини ҳал этишга қаратилган плани билан совет раҳбарларини таништирди, Совет томони мазкур планнинг асосий қоидалари Совет Иттифоқи кўп йиллардан буён Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ишида курашиб келаётган қоидаларга мос келишини мамнуният билан қайд этиб ўтди. Икки томонлама муносабат масалаларини муҳокама қилиш чоғида ҳар иккала томон сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда Совет — Жанубий Яман ҳамкорлиги самарали ривожланаётганлигидан мамнунлиги, СССР билан ЯХДР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизида иккала мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, КПСС билан Яман Социалистик партияси, СССР билан Яман Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга интилиш изҳор этилди.

А. Н. Муҳаммад демократик Яман халқининг революцион ғалабаларини мустаҳкамлаш ишида бераётган бегараз интернационал ёрдам учун, ЯХДР халқ хўжалигининг асосий тармоқларини ривожлантиришга қўшаётган муҳим ҳисса учун СССР ҳукуматига, совет халқига астойдил миннатдорчилик билдирди.

Бу йил Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигига 60 йил тўлиши муносабати билан А. Н. Муҳаммад Яман Социалистик партияси Марказий Комитети, ЯХДР ҳукумати ва халқи номидан Л. И. Брежневга, КПСС Марказий Комитети ва бутун совет халқига қизғин қутловлар ва коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб, билдирган истакларини тоширди.

Музокараларнинг якунларига кўра келишиб олинган Қўшма ахборот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).



В. П. ЧКАЛОВ номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчиси Меҳнат Қизил Байроқ ҳамда «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери Эркин Келдиев корхона пешқадамларидан саналади. Айни пайтда Э. Келдиев «СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтказилаётган социалистик мусобақада мунтазам илғорлар сафида бормоқда.

А. Кашапов фотоси.

ҲАФТАЛИК ҒОЛИБЛАРИ

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасида «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтказилаётган социалистик мусобақа янги илғорлар номини аниқламоқда. Ана шундайлардан бири 7-механика-йиғув цехининг 21-участкасида меҳнат қилаётган К. Эгамбердиев бригадасидир.

Илғор бригада аъзолари ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг юбилей байрамини муносиб меҳнат тўёнаси билан кутиб олиш мақсадида бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Бригаданинг ҳар бир аъзоси қўш суръат билан меҳнат қилиши натижасида бу коллектив 8 марта ғолиб деб топилди. Айни кунларда ҳам улар смена топшириқларини 140—145 процентга етказиб бажаришяпти.

КОНЧИ-БУНЁДКОР

ФЁДОР Ушаковни разрезда танимайдиган кончининг ўзи бўлмаса керак. Унинг фотосуратини разрез Ҳурмат тахтасида ҳам кўриш мумкин. Йўқ, Ушаков кончи эмас, у — қурувчи.

Разрезда ишт терувчи бўлиб меҳнат қилаётганига 15 йилдан ошди. Шу ўтган вақт ичида Ангренда барпо этилган қатор маъмурий, маданий-маиший биноларнинг муддатидан илгари фойдаланишга топширилишида бу ғайратли қурувчининг салмоқли ҳиссаси бор.

Ҳозирги кунларда Ф. Ушаков «СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтказилаётган социалистик мусобақада доимо пешқадамлар сафида келяпти.

А. МИРАЛИМОВ.

ХУШ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ II СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА СОЦИАЛИСТИК МУЛКНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ, ПОРАХЎРЛИК ВА ЧАЙҚОВЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Область Совети область ижроия комитети раёсининг ўринбосари ўртоқ Х. Т. Умаров докладини тингласа ва муҳокама қилиб, шуни таъкидлайдики ,область халқ депутатлари Советлари партия ташкилотлари раҳбарлигида меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга сафарбар этиш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар. Оммаларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш тўғрисида доимий гамхўрлик қилмоқдалар. Уларда совет қонунларига риоя қилиш, халқ мулкини авайлаб сақлаш ва кўпайтириш юксак масъулият ҳиссини тарбиялаётганлиги ва ишлаётганлиги ва ишлаётганлиги ва ишл

ШОЛИНИ ТЕЗРОҚ ЎРИБ ОЛАЙЛИК

ОБЛАСТИМИЗ шоликорлари КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, далаларда фидокорона меҳнат қилдилар ва мўл ҳосил етиштирдилар. Эндиликда бу ҳосилни ўз вақтида нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш пайти келди. Донн тўлиқ пишган шоли ҳосилини механизация ёрдамида ўриб-йиғиб олиш — шоли сувини тўхтатиб, шолиполни қуритишдан бошланади. Бунинг учун полдаги сув қатлами қунига бир сантиметрдан ёки оз-оздан камайтириб борилади, зовур ва коллектордаги тўсиқлар очиб юборилади. Бу усул қўлланилса, шоли ўсимлиги ётиб қолмайди, унинг бошоғидаги дон тўлиқ пишади, пуч бўлиб қолмайди. Иккинчидан, ўрим-йиғим машиналарини ўз вақтида ишга туширш учун шароит яратилади. Уруғ учун экилган шоли майдонидаги ҳосил алоҳида ўрилади ва янчилади.

Ўрим-йиғим ишини тўғри ташкил қилиш учун ҳар бир хўжаликда дон омборларини дезинфекция қилиш, омбор, хирмон ва ўриш-янчиш машиналари ўз вақтида ремонтдан чиқариб қўйилиши, кундалик график тузилиб, шу асосда ишни ташкил этиш зарур.

Шоли ўрими олдидан ҳар бир пайкалдаги ҳосилни аниқлаб, шоли навининг пишишига қараб, ўриш ва янчиш ишларини икки сменада, группа усулида ташкил этиб, 15—20 иш кунида тамомлашни таъминлаш керак.

Ўрим ҳосилининг биологик жиҳатдан етилишини ҳисобга олган ҳолда бошоқдаги донинг 85—90 процента, уруғлик учун экилган шоли донининг эса 100 процента пишган даврда бошланади.

Механизациянинг ҳаракати шоли тик турган ерларда соатига ўртача 5—7 километрдан, ётиб қолган жойларда эса 3—4 километр тезликдан ошмаслиги лозим. Ўримдан кейин пол четида ва айрим ерларда қолиб кетган шолини қўлда йиғиштириб олинади, орадан 3—4 кун ўтгач намлиги 17—18 процентга тушганда комбайн ёрдамида янчилади. Натижада ҳосил нобуд бўлмайди. Умуман, шоли массасини янчишда комбайннинг янчиш барабани минутига 650—750 оборотда айланадиган қилиб созланиши, юриш тезлиги соатига 2—3 километрдан ошмаслиги керак. Дон сифатининг юқори бўлишини таъминлаш, нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун комбайннинг иши доимо назоратдан ўтказиб турилиши лозим.

Ўрилган шолини тўғридан-тўғри комбайнда янчиш ишини десикация ўтказилган, барглари нормал қуриган майдонларда амалга ошириш тежамли бўлиб, иш самарадорлиги ва сифатини оширади.

Айрим хўжаликларда шоли қўлда ўрилади. Бунда ўрилган шоли массаси бир қаторга уюм қилиб қўйилади. Бу уюмнинг эни 1—1,5 метр, массанинг оғирлиги 3.8—4,2 килограммни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Унинг намлиги 18 процент бўлганда комбайн ёрдамида янчиб олиниши мумкин.

Шолининг ўртаги «УзРОС-59» нави бир оз тўқилувчан бўлгани сабабли пишиб етилиши биланоқ тезда ўриб олиш ва янчиш керак.

Янчиб олинган донни тозалаш махсус дон тозалаш ва саралаш машиналари (ОВП-20, СМ-4, ЗАВ-20, ЗАВ-40) ва бошқалар ёрдамида бажарилади. Тозаланиб, омборда сақланадиган шоли донининг намлиги 14 процентдан ошмаслиги шарт.

А. ҒОЗИХОНОВ,
Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Ҳосилни ўришга киришишдан олдин комбайнларнинг кириш-чиқиш жойлари ва унинг қайтиш майдонларини ўроқ билан 6—8 метр кенглиқда ўриш — доннинг нобуд бўлмаслигини таъминлайди.

Ўрим механизмн поянн ердан 15—18 сантиметр баланд қолдириб загон усулида уюм қилиб ўради. Пояси ётиб қолган айрим майдонлардаги шолини эса ётган томонининг қаршисидан 30 градус бурчак остида қия қилиб, бир томонлама, мумкин қадар пастлатиб ўриш керак.

МАОРИФЧИ МИНБАРИ

ЯНГИ ТАЛАБЛАР, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Район маорифчилари бўлиб ўтган анъанавий август кенгашларида КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди ва республика ўқитувчиларининг VI съездида белгилаб берилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг навбатдаги режалари ва марраларини белгилаб олдилар. Педагогик коллективларимиз ана шу қарорлар асосида янги ўқув йилини катта тайёргарлик билан кутиб олдилар.

Райондаги 32 та ўрта таълим мактабининг барчасида ёзги ремонт ишлари барвақт тугалланди. Бу йил 212 минг сўмлик ўқув қўргазмали воситалари ва жиҳозлар сотиб олинди. Мактаб устахоналари, фан кабинетлари анча бойитилди. Қатор мактабларда спорт комплексларн, сув ҳавзалари ва мерганлик тирлари қурилди. Районимиз территориясидаги «Ўзстроймеханизация», республика Госснаби, «Средазэнергоцветмет», «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхона ва ташкилотлар бу ишларда яқиндан оталиқ ёрдами кўрсатдилар.

Ўқувчиларнинг ёзги каникуллари мазмунли ўтди. 3900 ўқувчи хушманзара ва баҳаво жойлардаги меҳнат ва дам олиш лагерларида хордиқ чиқарди. Юқори синф ўқувчиларидан тузилган 93 та бригада мактаблар ремонтида фаол қатнашди. Бу уларнинг жисмоний чиниқиши, ижтимоий фойдали меҳнатга кўникма ҳосил қилишларига катта ёрдам беради.

Мактабдан ташқари . мураccасаларни кенгайтириш юзасидан ҳам талайгина ишлар қилинди. Тўгараклар, клуб ва секцияларнинг машғулотларида ўқувчиларнинг 96 фойизи қатнашмоқда.

Бу ўқув йилида 9100 нафар ўқувчи куни узайтирилган группаларга жалб этилади. Бу билан биз ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишларига ёрдам берамиз.

Янги ўқув йилида ўқитувчилар олдида янги-янги масъулиятли вазифалар турибди. Ана шу вазифалардан энг муҳими такомиллашган программа асосида дарс ўтишдир. Бунинг учун ўқитувчилар ўз устларида тинмай ишлашлари, дарс беришнинг энг илғор методларидан моҳирона фойдалана билишлари зарур.

Ўтган ўқув йилида кўпгина педагогик коллективлар социалистик мусобақанинг голиби бўлдилар. Ўқув тарбия жараёнини такомиллаштириш, тарбиявий ишлар сифати ва савиясини оширишда намунали иш олиб борган 19, 41, 42-мактабларнинг аҳил коллективларини алоҳида тилга олиш мумкин. 102-мактабнинг она тили ва адабиёти, рус тили, чет тили кабинетлари, 19-мактабнинг химия ва бошланғич синф кабинетлари, 10-мактабнинг математика ва расм, 41-мактабнинг жисмоний тарбия ва биология, 65-мактабнинг география, 169-мактабнинг меҳнат таълими кабинетлари иш тажрибалари районимизда кенг оммалаштирилмоқда. Район метод кабинети ташаббуси билан илмий бўлим мудирлари ва ёш ўқитувчилар мактаби иш бошлайди. Улар ўз йиғилишларида ўқувчиларга юксак таълим-тарбия беришнинг долзарб масалаларини муҳокама қиладилар, ёш раҳбарлар ва муаллимларга методик ёрдам кўрсатадилар.

Мактабларда комплекс тарбиянн йўлга қўйиш, ўқувчилар ўртасида меҳнат тарбияси, касбга йўналтиришни оммалаштириш, таълим жараёнида техника ва кўргазмали воситалардан самарали фойдаланиш, ўқув-тарбиявий ишлардаги расмиятчиликларга барҳам бериш, мактабдан ташқари муассасалар ишини яхшилаш, болалар ўртасида профилактик ишлар олиб бориш каби масалалар август кенгашларида қизғин муҳокама қилинди.

Район маорифчилари зиммаларига олган ёш авлодга коммунистик тарбия беришдек машаққатли ва шарафли вазифани бажаришда кучгайратларини, билим ва тажрибаларини аямайдилар.

Ў. МИРЗАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Октябрь район халқ маорифи бўлими мудири.

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

«ҚУДРАТИМИЗ БИРЛИКДА»

Тошкент ва Оҳангарон районларнинг меҳнаткашлари бир неча йилдан бери ўзаро мусобақалашиб келмоқдалар. Улар тўпланган тажрибаларни ўзаро ўртоқлашишга, дўстона маслаҳат ва ҳамкорлик асосида иш юритишга одатланишган. Ўзаро беллашув давомида эришилаётган муваффақиятлар ҳар иккала район газеталари саҳифасида қизиқарли формаларда ёритилмоқда.

Яқинда **«Оҳангарон»** ва **«Шонли меҳнат»** газеталарининг қўшма сони эълон қилинди. Газета Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари К. Икроев ва Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов ўртоқларнинг дўстлик ва ҳамкорликни мадҳ этувчи мақолалари билан очилади. Ички саҳифаларда эса турли соҳа вакиллари ўз мақолалари, хабар ва лавҳалари билан қатнашганлар. Айниқса, Тошкент районидаги Навоий номли колхоз бош зоотехниги Н. Исабоев ва Оҳангарон районидаги В. В. Куйбишев номли совхоз сут соғувчиси Д. Зулфиқорова ўртоқларнинг мақолалари қизиқарли чиққан. Улар дўстлар ҳузурида бўлган дамларида кўз илгаган илғор тажрибалар ҳақида ҳикоя қилишган. Газеталарнинг СССР 60 йиллигига бағишланган қўшма сони ҳар жиҳатдан ўқимишли ва мазмунли чиққан.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

БРИГАДА ПЛАННИ БАЖАРДИ

БЎКА. Ильич номли колхознинг Марям Маматова бошлиқ бригадаси аъзолари районда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Мавжуд 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олинди. 230 тонналик «оқ олтин» хирмони уюлди. Бригаданинг илғор механик-ҳайдовчилари Матан Раҳматалиев, Эргаш Чўтанов ва Ўрозгул Юнусалиевалар шу кунгача 65—70 тоннадан пахта тердилар.

Ҳали далада ҳосил мўл. Бригада аъзолари шу кунларда ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун ҳамда бу юксак мажбуриятни СССР Конституцияси нишонланадиган кунгача бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

* * *

«Партия XIX съезди» колхози меҳнаткашлари беш кунлик якуни кўра районда биринчи ўринни олдилар. Бу хўжалик шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. Йиллик планнинг 9—10 процента миқдорида пахта топширяётган хўжалик деҳқонлари районнинг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлишди. Улар йиллик планни 25 сентябрга бажаришга аҳд қилдилар.

БАЙРОҚ КЎТАРИЛДИ

Беш кунлик якуни бўйича ҳашарчилар ўртасида биринчи ўринни олган йўл ремонт қурилиш бошқармаси коллективи шарафига ҳам меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. «Бўка» совхози меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бераётган бу коллективнинг Фотима Загитулина, Раҳим Исаев, Ўрозали Қўшбоев сингари пешқадамлари кунига 60—70 килограммдан пахта термоқдалар.

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Куни кеча Охунбобоев номли колхознинг Эркин Каримов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам йиллик планларини бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекишди. Мавжуд 80 гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинди. Ўйилган хирмон 242 тоннадан ошиб кетди.

Бу бригадада ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун қизғин кураш бормоқда.

* * *

ПИСКЕНТ. Шунингдек, Тельман номли колхознинг Абдулла Аширов етакчилик қилаётган бригадаси заршунослари ҳам мавжуд 75 гектар ердан 32 центнердан ҳосил олиб, 240 тонналик хирмон уйишди. Йиллик план шараф билан уддаланди. Ҳосилдорлик 45 центнерга етказилди. Бу мажбурият 1 октябрга бажарилади.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Район кинолаштириш идораси томонидан йиғим-терим мавсумида дала меҳнаткашлари ҳамда ҳашарчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида иккита кўчма кино қурилмаси иш бошлади. Киномеханиклар Абдунаби Қиличев ҳамда Байрам Маҳмудовлар мавсумда пахтакорларга намунали кино хизмати кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилишляпти.

ИККИ РАЙОН РАПОРТИ

КАЛИНИН

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларидан руҳланган Калинин райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш соҳасида катта меҳнат ғалабаларини қўлга киритдилар. Улар умумхалқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, 15 сентябрда давлатга картошка, хўл мева ва маккажўхори дони сотиш бўйича зиммага олган социалистик мажбуриятларини ҳамда сабзавот ва узум сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажаришга эришдилар.

Давлатга йиллик ҳажмдаги 8250 тонна ўрнига 14535 тонна картошка, 99 минг 780 тонна ўрнига 100 минг тонна сабзавот, 4810 тонна ўрнига 9630 тонна хўл мева, 500 тонна ўрнига 1207 тонна галла-дон, 4550 тонна ўрнига 4600 тонна узум сотилди.

Эришилган муваффақиятга Куйбишев номли, «Москва» колхозлари, «Партия XXI съезди», «Хасково», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозлари ва бошқа хўжаликлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Район чорвадорлари ҳам катта муваффақиятга эришдилар. Давлатга гўшт сотиш йиллик халқ хўжалик плани 146,5 процент, 8 ойлик сут плани 108 процент, тухум плани 100 процент бажарилди. Маҳсулдорлик анча ортди.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Қишлов учун 55 минг тонна дағал хашак жамғариб қўйилди. Силос бостириш қизғин бормоқда.

Район халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари СССРнинг 60 йиллигини муносиб нишонлашга аҳд қилиб, ошнирилган мажбуриятлар олдилар. Бу йил давлатга икки йиллик план ҳажмида картошка, хўл мева, узум сотилади. Картошка ҳосилдорлиги 200 центнерга етади. Пландан ташқари яна 30 минг тонна сабзавот сотилиб, жами миқдори 130 минг тоннага етказилади. Ҳар бош соғин сигирдан 4200 килограммдан сут соғиб олинади. Гўштга топширилаётган қорамолларнинг ўртача вазни 550 килограммни, қўй — 60 килограммни ташкил этади.

ТОШКЕНТ

Тошкент районн соҳибкорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар 15 сентябрда давлатга узум сотиш йиллик планини бажардилар. Эл дастурхонига 5700 тонна узум етказиб берилди.

«Ленин йўли», Карл Маркс номли, Навоий номли, Ленин номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳар гектар узумзордан 150—180 центнердан ҳосил олинди ва йиллик топшириқлар 105—125 процент бажарилди.

Кўпгина боғдорчилик бригадаларида узум ҳосилдорлиги 200 центнерга етказилди.

Район соҳибкорлари СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашиб, мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Улар бир йилда икки йиллик план ҳажмида узум ҳосили олиш учун курашмоқдалар.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

ИЛҒОР МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ 15 СЕНТЯБРГАЧА МАШИНАДА ТЕРГАН ПАХТАСИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ

Акром БЕКАЛИЕВ — Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси — бир кунда — 15 ТОННА, мавсум бошидан буён — 145 ТОННА. 14ХВ-2,4 маркали машина билан.

Жамол НУРОВ — Ким Пен Хва номли колхознинг механик-ҳайдовчиси — бир кунда — 22 ТОННА, мавсум бошидан буён — 112 ТОННА. ХНП-1,8 маркали машина билан.

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ — Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси — бир кунда — 15 ТОННА, мавсум бошидан буён — 98 ТОННА. 14ХВ-2,4 маркали машина билан.

БЎКА

Сервер УСЕИНОВ — «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчиси — бир кунда — 24 ТОННА, мавсум бошидан буён — 118 ТОННА. 17ХВ-1,8 маркали машина билан.

Сайфи АББОСОВ — «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчиси — бир кунда — 26 ТОННА, мавсум бошидан буён — 85 ТОННА. 17ХВ-1,8 маркали машина билан.

Малик САЛИМОВ — Фрунзе номли колхознинг механик-ҳайдовчиси — бир кунда — 30 ТОННА, мавсум бошидан буён — 82 ТОННА. 17ХВ-1,8 маркали машина билан.

ОҚҚУРҒОН

Михаил КОВЕШНИКОВ — «Оққўрғон» совхозининг механик-ҳайдовчиси — бир кунда — 12 тонна, мавсум бошидан буён — 44 ТОННА. ХНП-1,8 машинаси билан.

Қўчқор РАЖАБОВ — «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси — бир кунда 11 ТОННА, мавсум бошидан буён — 42 ТОННА. 17ХВ-1,8 машинаси билан.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

● ЗАГРЕБ. Бу ерда анъанавий савдо-саноат ярмаркаси очилди. Бу йилги техника янгиликлари кўригида 60 дан кўпрок мамлакат қатнашмоқда.

СССРнинг кўргазмаси — энг катта кўргазмалардан бўлиб,— у совет кишилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини тантанали нишонлашга қандай ҳозирлик кўраётганликларини, КПСС XXVI съезди қарорларини конкрет ишларда амалга ошираётганликларини тасвирлайди. Совет павильонидаги олти мингта экспонат СССР саноати юксак ривожланиш даражасига кўтарилганини, унинг жуда катта экспорт имкониятларини яқол намойиш этади.

Кўргазманинг алоҳида бўлими Совет-Югославия иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган. Ҳозир Совет Иттифоқи Югославиянинг ташқи савдо соҳасидаги энг катта мижозидир.

Ярмарка ишлаб турган пайтда мутахассисларнинг учрашувлари бўлади, улар техника ва технология, саноат янгиликлари тўғрисидаги маълумотлари бир-бирлари билан ўртоқлашадилар. Ривожланаётган мамлакатларнинг вакиллари анъанавий «тўгарак стол» атрофида экономикани ривожлантириш масалаларини, халқаро иқтисодий ҳамкорлик принципларини такомиллаштириш проблемаларини муҳокама қиладилар. (ТАСС).

ВИЗИТ ЯКУНЛАРИ

КОБУЛ, 15 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети делегациясининг АДР тинчлик, бирдамлик ва дўстлик ташкилоти таклифига биноан Афғонистон Демократик Республикасига қилган визити якунлари тўғрисида қўшма ахборот имзоланди.

Ҳужжатда уқтириб ўтилишича, самимий дўстона вазиятда бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар давомида халқаро проблемалар ҳамда иккала ташкилот ўртасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар АҚШ империалист қучларининг агрессив сиёсати натижасида халқаро кескинлик кучайганлигидан чуқур ташвиш изҳор этдилар ҳамда халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтириш кераклигини айтдилар. Улар қуролланиш пойгасини авж олдираётган ҳамда нейтрон ва химиявий қурол ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган АҚШ ҳукмрон доираларининг милитаристик йўлини қораладилар.

Ҳужжатда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев ўртага ташлаган ташаббуслар тўла-тўкис қўллаб-қувватланди.

Суҳбатлар чоғида томонлар Ҳинд океанини демилитарлаштириш, Осиёдаги барча ажнабий ҳарбий базалар тугатилиши учун курашни давом эттириш қатъиятини изҳор этдилар. Улар бу районларда Американинг ҳарбий қудрати кўпайтирилаётганлиги тинчликка янада кўпроқ хавф солади, деган фикрни билдирдилар.

Музокара қатнашчилари Яқин Шарқдаги аҳволни ҳам муҳокама қилдилар, бу ердаги аҳволнинг кескинлашуви АҚШ ва Исроил агрессив сиёсатининг ҳамда улар ўртасидаги стратегик ҳамкорлик кенгайтирилганлигининг натижаси бўлганлигини айтдилар. Исроилнинг ҳамма қўшинларини араблардан босиб олинган ерлардан батамом олиб чиқиб кетмай туриб ва Фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан унинг мустақил Фаластин давлатини тузиш ҳуқуқини тан олмай туриб, бу регион проблемаларини ҳал этиб бўлмайди, дейишди улар.

ДАҲШАТЛИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ИЗЛАРИ

▲ ПНОМПЕНЬ. Кампучиянинг Кандаль ва Свайриенг вилоятларида полпотчиларнинг қонли ҳукмронлиги йилларида улар қилган даҳшатли жиноятларнинг янги излари аниқланди. «Кампучия» газетасининг хабар қилишича, бу ерда полпотчилар ваҳшиёна ўлдирган кампучияликлар оммавий равишда кўмиб ташланган жой топилди.

Кандаль вилоятининг бир ўзида 16 мингдан кўпроқ кишининг жасади қўмилган 1400 та гўр очилди. Мамлакат пойтахтидан жанубишарқдаги Свайриенг вилоятида сал кам 40 минг кишининг суяклари бир жойга кўмилганлиги аниқланди.

Эндиликда, деб уқтиради газета, полпотчилар ва уларнинг хомийлари даҳшатли жиноятларни яшириш, ўзларининг машъум режаларини ниқоблаш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Улар «коалицион ҳукумат» деб аталган ҳукумат номидан ҳаракат қилмоқдалар. Кампучия халқининг бошқа хонилари номлари остида яширинмоқдалар. Кампучияликлар полпотчиларнинг найранглари-ни дарров пайқаб олдилар. Полпотчи жаллодлар қилган қонли жиноятлар ҳеч қачон уларнинг эсидан чиқмайди. Жаллодларнинг яна ҳокимиятни қўлга олиш йўлидаги ўринишлари мағлубиятга маҳкум этилган, деб таъкидлайди «Кампучия» газетаси.

АҚШНИНГ ДАВЛАТ ҚАРЗИ

ВАШИНГТОН. Р. Рейган маъмурияти ҳокимият тепасида турган тўрт йил мобайнида АҚШнинг давлат қарзи 500 миллиард доллар миқдорида ортади. 1985 йилда у аҳл бовар қилмайдиган миқдорга — 1,7 триллион долларга етади, дейилади АҚШ конгресси бюджет бюросининг бу ерда эълон қилинган маълумотномасида.

Унумсиз ҳарбий ҳаражатлар мамлакат тарихида мисли кўрилмаган даражада кўпайтириб юборилганлиги АҚШдаги қалтис молиявий-иқтисодий қийинчиликларнинг асосий сабабидир. Чунончи, бюронинг маълумотларига қараганда Пентагоннинг ҳаражатлари ўрта ҳисобда йилига 10 процент ортиб бораверади. Муҳим социал программалар эса шафқатсизлик билан қисқартирилади. Ҳужжатда уқтириб ўтилишича, баъзи социал программаларнинг 54 процента қисқартириб ташланади.

Келгуси молия йилида АҚШ давлат бюджетининг камоматн сал кам 155 миллиард долларни ташкил этади.

(ТАСС, 15 сентябрь).

МУЗОКАРАЛАР НАТИЖАСИ

▲ ПЕКИН. Бутуниттифоқ «Международная книга» бирлашмаси билан Хитой ташкилотлари—Хитой босма нашрлар импорти ва экспорти миллий компанияси ва Хитой нашрлари маркази («Гоцзи шудянь») ўртасидаги музокара натижасида босма нашрларни ўзаро етказиб бериш-нинг савдо шартлари тўғрисида шартномалар имзоланди.

Шартномаларнинг имзоланиш пайтида СССРнинг ХХР-даги савдо ваколатхонаси намойиш залида виставка ташкил этилди, виставкада совет китоблари, журналлари кўргазмага қўйилган эди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган адабиёт алоҳида қизиқишга сазовор бўлди. Виставкани ХХР савдо идоралари ва кутубхоналарининг вакиллари, шунингдек бир қанча мамлакатларнинг Пекиндаги дипломатия вакиллари келиб кўрдилар.



БОЛГАРИЯ. С. Стаменов номли алюминга ишлов бериш комбинати амалдаги социалистик иқтисодий интеграциянинг намунасидир. Унинг лойиҳаси Москвада ишлаб чиқилди, СССР ва ГДРдан келтирилган машина-механизмларни монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишда қардош мамлакатлар мутахассислари актив иштирок этдилар. Комбинатда ишлаб чиқарилган маҳсулот социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам экспорт қилинади. Суратда: алюминга ишлов бериш комбинати цехида.

БТА—ТАСС фотоси.

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

▲ ПАРИЖ. Совет раҳбарлари билан ўтказилган музокаралар менинг совет раҳбарлари қуролсизланишни биринчи галдаги вазифа деб билмоқдалар, деган ишончимни кучайтирди, деди бу ерга расмий визит билан келган БМТ Бош секретари Х. Перес де Кузьяр Франс пресс агентлигининг мухбири билан суҳбатда.

У халқаро проблемаларни ҳал этиш йўлларини излашда Хавфсизлик Кенгашининг ролини кенгайтиришга интилиш тўғрисидаги ўз ниятига тўхталиб, бу орган можароларни бартараф этиш имкониятига эга бўлиши керак, деб уқтиради.

БМТ Бош секретари дунёдаги, аввало «учинчи дунё» мамлакатларидаги иқтисодий аҳволдан ташвишланаётганлигини ҳам билдирди. Уларнинг кўплари аянчли аҳволда эканликларини айтди.

СОВЕТ-АМЕРИКА СЕССИЯСИ

▲ ЖЕНЕВА. Бу ерда 1972 йил 26 майда СССР билан АҚШ ўртасида тузилган ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги шартнома ҳамда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар ҳақида муваққат битим, шунингдек 1971 йил 30 сентябрда иккала мамлакат ўртасида тузилган ядро уруши чиқиши хавфини камайтиришга доир тадбирлар тўғрисидаги битим мақсадлари ва қоидаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун ташкил этилган Совет-Америка доимий маслаҳат комиссиясининг навбатдаги сессияси очилди.

27 ЙИЛ БЕҲУШ

● ПАРИЖ. (ТАСС). Франциянинг Лон Лесонье шаҳрида Поль Бале деган киши 46 ёшлигида вафот этди. У 27 йилга яқин беҳуш бўлиб ётганди. Бу дунёда маълум беҳуш ҳолда ётишнинг энг узоғидир.

1955 йилнинг 11 декабрида Поль Бале автомашина уриб кетган ва у оғир жароҳатланганди. Боши ҳам шикастланиши натижасида беҳуш бўлиб қолганди. Ўшандан бери у ҳеч қачон ўзига келмади. Поль Бале касалхонада кўп ой ётганидан сўнг унинг онаси врачларнинг розилиги билан ўғлини уйига олиб келган ва врачларнинг айтганларини бажариб уни боқиб келар, тузалиб кетишига умид қилар эди. Она шунча йиллар мобайнида бемор ўғлини киши ҳайратда қоладиган даражада сабр-тоқат ва матонат билан боқиб келганди.

ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ

МОСКВА ҚАСИДАСИ

Жобир НАВРӮЗ,
Озарбайжон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Москва! Ёшлигимсан,
Толеим обидаси.
Номинг билан туташдир
Умримнинг хотираси.
О, Москвам! Дунёнинг
Сенсан талич нуқтаси.
Оламга бахт таратар
Кремлнинг знёси.
Сени ёдга олурман
Куз, қиш, ёзда, баҳорда.
Меҳринг юрагимдадир
Ҳаёт орзуси янглиг.
Ёш умримнинг беш йили
Сенда ўтди мисли чўг.
Ёниб юрган дамларим
Ўйимда, нқоолимда.
Ёдинг абадий қолмиш
Таржиман ҳолимда.
Неча йилки муқаддам
Багрингга қўйдим одим.
Онамнинг қучоғидан
Қучоғингга отилдим.
Сен мени бир болангдай
Олдинг шодон қаршилаб.
Талабалик йилларин
Завқин қалбимга жойлаб.
Мен ким эдим — талаба,
Билардим фақат шуни.
Талабалик! — Унинг ҳам
Бор эди ўз қонуни,
Барча менн ўшанда
Москвалик санарди.
Москвалик деганда
Кўнглим бир ёш ўсарди.
О, Москва! Қалбимнинг
Ишқисан, сайқалисан!
Сен меннг ёшлигимнинг
Энг буюк ҳайкалисан!
Чиқмас хотирдан асло
Сўзларинг, суҳбатларинг.
Ҳамон қулоғимдадир
Доно насиҳатларинг.
Беш йил ўтиб кетди тез,
Дилда сабоқлар қолди.
Кўзимда нур, қалбда ўт,
Сўнмас чироқлар қолди.
Юраги шоир шаҳар,
Ёдингдами ул саҳар?!
Мен отамиз Ленининг
Ҳузурига кирганим;
Қўлга олиб папоғим
Унга бошим эккани.м.
Инқилобчи Бокумдан
Салом топширдим шу
дам.
Чиқдим Қизил майдонга,
Мен сасини эшитдим.
Садо берган тўпларнинг
Наърасини эшитдим.
Бунда ҳар бир тош сўзлар
Доҳиймизнинг ўзидан.
Буюклик, оддийлиги,
Қалбга кўчган изидан...
Қалби бир дунё шаҳар,
Ёдингдами ул саҳар?!
Пушкин берди меҳрини,
Ўқидим илк шеърини.
Шоир бўлдию сабаб,
Хаёл олисга учди.
Шеъри ўқиб шу замон
Кавказ кўнглимга кўчди.
Ўйимда Герцен ўйи.
Буюк Горькийнинг ёди.
Ўлмас Маяковский —
Шеъримизнинг устоди.
Оқди шуур руҳимга
Не-не орзу, не-не ҳис.
Не-не туйғу, тушунча,
Қалбда ёнди оташ сўз.
Москва! Ер юзининг
Бор ҳақиқат сўзисан!
Сенсан ишқимиз сеҳри,
Муҳаббат марказисан!
Бир умрга багрим
Очди меҳрибон руслар,
Нечун бугун мен сизни,
Эсга олмайин, дўстлар?!
Сизнинг саҳий, бағри
кенг,
Содда табиатингиз,
Сизнинг инсонлигингиз,
Сизнинг муҳаббатингиз,
Сизнинг кекса дунёда,
Камолингиз, ақлингиз;
Сизнинг гўзал шеърингиз,
Сизнинг доно нақлингиз,
Сизнинг сургун ва дорда
Сабрингиз, қарорингиз,
Сизнинг ерда, фазода
Парвозу виқорингиз,
Сизнинг дунё яратган
Қадокли қўлларингиз,
Сизнинг кўнгил овлаган
Серноз санамларингиз,
Сизнинг дўстга
меҳрингиз,
Оҳангграбо сеҳрингиз,
Сизнинг дилин ёндирган
Ширин наволарингиз,
О, маъноли, лазиздир,
Юрагимга азиздир!
Москва! Инсонларнинг
Энг самимий сўзисан!
Сен—муҳаббат маркази,
Инсонликнинг ўзисан!

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ таржимаси.

МЕНИ ЧОРЛАР ҚОРЛИ ЧЎҚҚИЛАР

Алим КЕШОКОВ,
Кабардин шоири.

Мени чорлар тоғ
чўққилари,
Лек йўлимни тўсди шўх
дарё.
Бўйин эгди тўлқинлар
менга,
Енгиб, йўлга тушдим
бепарво.
Мени чорлар тоғ
чўққилари,
Шамол ташланди мисоли
қоплон.
Лекин ўзи қолди ҳайратда
Олга бориб маҳв этганим
он.
Мени чорлар тоғ
чўққилари,
Кўз ўнгимни қоплади
туман.
Шаънимга ҳеч
туширмайин доғ
Енгиб ўтдим уларни омон.
Мени чорлар тоғ
чўққилари,
Даралардан кўчди
тошбўрон.
Чап бердиму бундай
балога,
Мақсад сари интилдим
шодон.
Мени чорлар тоғ
чўққилари,
Йўлим оғир сал тойсам,
тамом.
Ажал билан юриб ёнма-
ён,
Хавфли йўлни эттирдим
давом.
Ғурур билан боқдим
водийга
Чўққиларни забт этган
чоғи...
Ажаб кимдир мен-ла
ёнма-ён
Очган экан ўзин
сўқмоғин.

Русчадан Темур УБАЙДУЛЛО таржимаси.

● Республикамизда ўтадиган адабий учрашувлар ҳамиша қизғин суҳбатлар ва ижодий баҳсларга бой бўлади.

Суратда: ўзбек ва рус адабиёти ижодкорлари (чапдан) А. Николаев (Москва), Н. Нарзуллаев, Р. Казакова С. Азимов, Л. Ошанин (Ленинград) ва Е. Сидоров (Москва) ўзаро ижодий мулоқотда.

В. Молгачев фотоси.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

К. МАДЕМИЛОВА,
Қирғизистон ССР Давлат рақс ансамбли бадиий раҳбари ва бош балетмейстери.

— Бадиий коллективимизнинг «Тошкентнинг олтин кузи» санъат фестивалида иштирок этаётганлиги санъаткорларимиз учун чинакам маънода маҳорат мактаби бўлмоқда. Чунки Совет Иттифоқидаги энг эътиборли ашула ва рақс ансамблари, этнографик коллективлар ва машҳур санъаткорлар билан ижодий мулоқотда бўлиш ҳамиша ҳам насиб этавермайди. Шу маънода биз ўзбек томошабинлари ҳузурида санъатимизни намойиш қилиш билан бир қаторда, Ўзбекистон меҳнаткашларининг юбилей йилида қўлга киритаётган ютуқлари билан яқиндан таништмоқдамиз, завод ва фабрика ишчилари, колхоз ва совхоз меҳнаткашларига мазмунли концертлар бермоқдамиз.

Ансамблимиз ўзининг 16 йиллик ижодий фаолияти мобайнида қирғиз халқ рақс санъатини тарғиб қилиб келмоқда. Халқимиз ўтмишда кўчманчи ҳолда турмуш кечирган бўлса-да, санъатнинг ажойиб намуналарини яратган. Бироқ совет ҳокимияти йилларидагина сал бўлмаса унутилаёзган халқ рақсларини тиклаш, уларни замонавий талаб ва эҳтиёжлар асосида қайта саҳналаштириш ва меҳнаткаш халққа тақдим этиш имкониятя туғилди, миллий санъат намуналари социалистик мазмун билан бойиди.

Эндиликда рақс коллективимизни Қирғизистон ва Совет Иттифоқининг турли жойларида, ҳатто, чет элларда ҳам яхши билишади. Хусусан, ансамблимиз кейинги йилларда Швеция, Финляндия ва Бельгия каби хорижий мамлакатларда қирғиз халқ рақс санъати ютуқларини намойиш қилиш имкониятига эга бўлди.

Тошкент фестивалига атаб бизнинг махсус тайёрлаган концерт программамиз «Олатов бағрида» деб аталган рақс сюитаси билан бошланади. Ўзбек томошабинларига тақдим этаётган рақсларимиз халқ музикаси ва хореографиясини узвий равишда уйғунлаштириш негизида туғилган бўлиб, кейинги йиллардаги ижодий изланишларимиз маҳсулидир. Бу концерт номерларимиз катта қизиқиш билан қарши олинаётганлигидан беҳад хурсандмиз.

«Тошкентнинг олтин кузи» санъат фестивали биз, қирғиз санъаткорларининг ҳаётида ҳам унутилмас воқеа бўлиб қолишига ишончим комил.

ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИДА АНТИҚА МАШИНАЛАР

БУГУН тошкентликлар ўз шаҳарлари кўчаларида кўплаб ғалати автомашиналарни кузатишлари мумкин. Улар ташқи кўриниши билан ҳам, ички конструкцияси билан ҳам сира бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради. Булар — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР ДОСААФ Марказий Комитети ташкил этган анъанавий XVI Бутуниттифоқ пойгаси қатнашчиларининг қўлбола-антиқа автомашиналаридир.

...1963 йилда «Техника—молодёжи» журнали редакцияси ва Москва шаҳар ДОСААФ автомотоклубининг ташаббуси билан ҳаваскор автомобилсозлар конструкциялари асосида яратилган машиналарнинг парад конкурси бўлиб ўтган эди. Шундан сўнг бу соҳага қизиқувчилар сони муттасил ошиб борди. Конкурс қатнашчиларининг географияси ҳам ортиб борди. Олмаота ва Тольятти, Краснодар ва Полтава, Тбилиси ва Рига, Свердловск ва Ереван шаҳарларида ясалган ихчам автомашиналар мутахассислар эътиборини ўзига жалб қила бошлади.

Конкурс ташаббускорлари парадга тақдим этилган энг яхши машиналарида бир неча кунлик синов пойгасини ўтказиш ҳақида таклиф киритдилар. Шундай қилиб, 1967 йилда ҳаваскор автоконструкторлар ўзлари ясаган машиналарда биринчи Бутуниттифоқ пойгасига отланишди.

Москва — Харьков—Полтава — Киев — Москва маршрути бўйича 30 та қўлбола автомашина стартга чиқди. Йўл-йўлакай пойгага янги-янги ҳаваскор конструкторлар қўшилдилар. Маррага эса 100 га яқин антиқа қўлбола автомашина кириб келди.

Шу-шу «Техника молодёжи» журнали соврини учун ҳар йили мунтазам Бутуниттифоқ пойгасини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўтган йили ҳаваскорлар Волга бўйи, Урал, Ғарбий Сибирь бўйлаб ўз машиналарини синаб кўрдилар. Бу йил пойга қатнашчилари катта, қийин ва шарафли маршрутни белгилаб олишди. Пойга муддати бир ой. Масофа 10 минг километр. Маршрут: Москва — Урал — Целиноград — Қарағанда — Олмаота — Фрунзе — Чимкент — Тошкент — Душанбе — Самарқанд — Ашхабод — Красноводск — Баку — Ереван.

ҲАВАСКОР АВТОКОНСТРУКТОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ПОЙГАСИ

Бутуниттифоқ пойгасида қатнашаётганлар орасида «Техника молодёжи» журналининг бош редактори В. Д. Захарченко, генерал майор М. И. Иванов, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. В. Аксенов, СССРда хизмат кўрсатган штурман В. И. Аккуратов, СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи В. П. Колошенко, СССР Ички ишлар министрлигининг ходими О. Н. Бойцова каби машҳур кишилар бор. Улар пойга давомида саккиз иттифоқдош республика территориясидан ўтадилар.

Саноат корхоналарида, илмий муассасаларда, колхоз ва совхозларида бўлиб, қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар ўтказадилар Совет фани ва техникасининг сўнгги ютуқлари ҳақида гапириб берадилар. Энг муҳими эса, Бутуниттифоқ пойгасида иштирок этаётган турли конструкциядаги қўлбола автомашиналарнинг кўрик кўргазмасини ташкил этадилар. Авто пойга қатнашчилари қўлларидан чиқишлари билан ўзлари ясаган машиналарнинг имкониятларини намойиш қиладилар.

Дарҳақиқат, авто пойга қатнашчиларнинг кўргазмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотади. Фан-техника уфқларининг нақадар кенглигини яна бир карра исботлайди. Масалан, ҳаваскорлар ясаган автомашиналарнинг бири «Амфибия» деб номланган. Бу машинанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у қуруқликда ҳам, сувда ҳам бемалол юраверади. Машинанинг қуруқликдаги тезлиги соатига 120 километрни ташкил этади. У ана шу тезлик билан сув ҳавзасига кириб кетавериши мумкин. Бунда машинадаги махсус елканлар кўтарилади ва сув учун мўлжалланган мотор ишга туширилади. Қўлбола автомашина сувда соатига 25 километр тезликда суза олади.

Фан-техника фидойилари ўз меҳнат отпускаларида, дам олиш кунларида, ишдан бўш вақтларида уйларида ясаган қўлбола автомашиналар орасида бунга ўхшаш ноёб ва антиқаларн анчагина. Бугун тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Ёшлар уйида Бутуниттифоқ пойгаси қатнашчилари ташкил этган кўргазмани томоша қилишлари мумкин.

Ҳаваскор автоконструкторлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар. «Илҳом», «Прогресс» клублари аъзолари билан ижодий учрашувлар ўтказадилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
А. МИРАЛИМОВ.

Суратларда: ҳаваскор автоконструкторлар ясаган антиқа машиналар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

СПОРТ

ҚИТЪА КУБОГИ ЎЙИНЛАРИ

Ўтган чоршанба куни Европа чемпионлар кубоги, кубок эгалари кубоги ва УЕФА кубоги учун дастлабки босқич учрашувлари бўлиб ўтди. Маълумки, бу сафарги анъанавий турнирда совет спорти шарафини беш команда — пойтахтнинг «Спартак», «Торпедо», «Динамо» ҳамда Киев ва Тбилисининг «Динамо» коллективлари ҳимоя қилишмоқда. Қуррага кўра биринчи турда футболчиларимиз анча кучли командалар билан майдонга тушдилар. Жумладан ГФРнинг «Бавария», Италиянинг «Наполи» ва Англиянинг «Арсенал» клублари бундай турнирларда оир неча марта иштирок этиб, соврин эгалари бўлишган. «Спартак» «Арсенал»ни кескин курашда 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратганлигини маълум қилган эдик. Бошқа ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Киев) — «Грассхопперс» (Швейцария) — 1:0. «Торпедо» (Москва) — «Бавария» (ГФР) — 1:1. «Динамо» (Тбилиси) — «Наполи» (Италия) — 2:1. «Динамо» (Москва)—«Шлёнск» (Польша) — 2:2.

Жавоб учрашувлари 29 сентябрда бўлади.

БЕШ МЕДАЛЬ ВА УЧИНЧИ ЎРИН

Қозон шаҳрида бокс бўйича СССР Қуролли кучларининг биринчилиги бўлиб ўтди. Бунда Туркистон ҳарбий округи спортчилари яхши қатнашдилар. Оғир вазнда мусобақалашган Сергей Мозгунов Европанинг икки марта чемпиони Михаил Субботнини финалда мағлубиятга учратиб олтин медаль эгаси бўлди. Биринчи ўрта ярим вазнда рингга чиққан Григорий Пинчук СССР терма командаси аъзоси Вячеслав Яновскийга ютқазиб қўйиб, кумуш медаль олди. Яна уч вакилимиз Александр Курочкин, Александр Мартель ҳамда Андрей Мелашколар бронза совриндори бўлдилар. Туркистон ҳарбий округи вакиллари команда ҳисобида учинчи ўринни олишди.

«ПАХТАКОР»ГА КЕЛИНГ

Бугун ва эртага «Пахтакор» стадионида енгил атлетика бўйича СССР кубоги мусобақалари бўлади. «Спорт қироличаси» юлдузлари Т. Зеленцева, С. Ўлмасова, З. Зайцева, Г. Белков, А. Харлов, В. Черников ва бошқа донгдор спортчилар тошкентликлар олдида ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Аёллар ўртасида Перуда IX жаҳон чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Ика шаҳрида қатнашаётган СССР терма командаси биринчи кун Австралия волейболчиларини осонгина 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратганлигини хабар қилган эдик. Спортчиларимиз иккинчи кун Чили командаси билан бўлган ўйинда ҳам ана шундай ҳисобда ғолиб келдилар. Уч бўлимда 15:2, 15:1, 15:1 ҳисоблари қайд этилди. Конкурсдан ташқари қатнашаётган Перу ёшлар терма командаси билан бўладиган учрашув натижасидан қатъий назар волейболчиларимиз ярим финалга чиқдилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА
1982—1983 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, пионер вожатийлар ва СССР Қуролли Кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар ҳамда саноат корхоналари ва алоқа ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак.

Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент давлат чет тиллари педагогика институти кундузги бўлимининг 1-курсига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Институтга қабул қилинганлар 2 та чет (ғарб ва шарқ) тилидан маълумот оладилар ҳамда таржимон ва педагоглик мутахассислигини эгаллайдилар.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (286-форма), 8 та фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат 15 ноябрдан 20 ноябргача давом этади.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ 25 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўқиш 1 декабрдан бошланади ва 8 ой давом этади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1982 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 46-уй. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Болгария болалар коллективларининг чиқиши. 10.25 — «Тугалланмаган дарс». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.25 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Наседкин чалади. 11.55 — «В. Дуров номли жониворлар театрида». 12.40 — «Рассомлар ҳақида ҳикоя». 13.00 — «Спорт — менинг муҳаббатим». Концерт. 13.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Агостиньо Нето. Кураш поэзияси». Ҳужжатли фильм. 15.50 — «Қадрдон ўлкамда». Фильм-концерт. 16.00 —«Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.00 — Икки марта Қизил Байроқли А. А. Александров номли Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.30 — Шахмат, мактаби. 18.00 — «Биз БАМни қуряпмиз». 18.30 — «Халқ ижоди». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Режиссёр». СССР халқ артисти, М. Авезов номли Козоқ академик драма театрининг Бош режиссёри А. Мамбетов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.00 — В. Моцарт. Ре мажор сонатаси. 20.15 — «Бизнинг болаларимиз». Киноалвҳа. 20.45— «Имзо». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.00 — «Имзо». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — «Дунё воқеалари». 23.20 — Х. Иглесиас концерти (Испания).

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Жонли ер». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.40 — Тарих. 4-синф. Муз устида жанг. 10.00 — «Баргузин ёзи». Илмий-оммабоп фильм. 10.10 ва 14.00 — Инглиз тили. 11.15 — Ҳунартехника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. 11.35 ва 12.40—Тарих. 7-синф. Ватанимиз территориясидаги қадимги давлатлар. 12.05 — А. Смеляков поэзияси. Ўқитувчи экрани. 13.10 — Табиатшунослик. 2-синф. Кўз белгилари. 13.30 — Астрономия. 10-синф. Юлдузли осмон. 14.35 — «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув программаси. 15.20 — «Мен флотни ёзяпман». Л. Соболев асарлари саҳифалари. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Болалардан кўнгил тўқ бўлсин». Авиация Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати Е. Я. Савицкий билан суҳбат. 19.20 — «Д. Шостаковичнинг учта прелюдияси». Фильм-концерт. 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Сўз — чет эллик ёзувчиларга». 21.10 — П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреати В. Муллова чалади (скрипка). 21.30 — Время. 22.05 — Л. Бетховен. 5-симфония. 22.35 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Торпедо». 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

ЎзТВ-I. 11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 —Рус адабиёти. Пушкин ва Ўзбекистон. 12.00 — «Уларни океанлар кутмоқда». Телевизион фильм. 12.30 — «Отасизлик». Бадиий фильм. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 18.40 — «Инсон болаликдан бошланади». 19.10 — «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». Тошкент 1-уйсозлик комбинатидан репортаж. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Цирк! Цирк! Цирк!» 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 —Время. 22.00 — Дунё воқеалари. 22.30 — Телевидение экранида биринчи марта. «Якшанба туни». Бадиий фильм. 00.05 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II 18.10 — Кўрсатувлар программаси. 18.15 — «Ақлли буюмлар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 19.20 —«Халқ хизматида». 19.50 — Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Кубань—Россия дурдонаси». Ҳужжатли фильм. 20.50 — Енгил атлетика бўйича СССР кубоги. Финал. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 21.30 — МТ-II.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1983 йил учун
СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IX да Ганг дарёсининг қизи, 18/IX да Шошма, қуёш.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/IX да Тўйдан олдин томоша, 18/IX да Гулсара.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IX да Муқаддима.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Цирк санъатининг янги асари «РУСЛАН ВА ЛЮДМИЛА» пантомима-феериясининг хайрлашув гастроллари (17/IX да соат 10.00, 17.00 да).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 03186. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1686- 11